

АСИЛ РАШИДОВ

# АКАМ ҲАҚИДА

ТОШКЕНТ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
«ФАН» НАШРИЕТИ

*Ушбу рисола узоқ йиллар давомида республика-  
мига раҳбарлик қилиб келган атоқли давлат  
ва жамоат арбоби, ёзувчи Ш. Р. Рашидовнинг  
порлоқ хотирасига, таваллудининг 75 йиллигига  
бағишланган.*

5002000000—900  
P М 355(04) — 92 - Рез. 92 © Ўзбекистон Республикаси ФА  
«Фан» нашриёти, 1992 й.  
ISBN 5—648—01883—5

«Шароф Рашидов... У халқ қалбида ўзига хос ўчмас ҳайкал қолдирди, тиригидаёқ бутун Шарқнинг ифтихор билан тилга оладиган фарзандига айланди.

Бизнинг асримизда Шароф Рашидов номи ўзбек халқининг рамзи бўлиб янгради. Жаҳон уни атоқли адиб ва йирик давлат ва жамоат арбоби сифатида биларди ва тиригидаёқ тан олган эди».

(Атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов туғилган кунининг 75 йиллигини муносиб нишонлаш хусусида *Очиқ хатдан*)

## АДОВАТ ЭМАС, АДОЛАТ ЕНГАДИ

Шароф Рашидов хусусида республикамиз матбуотида ҳам, турли-туман марказий нашрларда ҳам шу қадар кўп нарса ёзилдики, буларнинг бари жамланса, бутун бошли бир адабиёт бўлади. У ҳатто собиқ бир бутун мамлакат ҳудудидан чиқиб, халқаро миқёсдаги айрим бадиий тўқималарнинг «қаҳрамонига» айланди. Босилиб чиққан ва чиқаётган сон-саноқсиз ишлар орасида, айниқса кейинги вақтларда жуда куюнчаклик, хайрихоҳлик ва инсоф билан ёзилганлари ҳам ниҳоятда кўп. Уларнинг муаллифларига бизга нондай тансиқ бўлган далда ва таскин сўзлари учун самимий миннатдорчилик билдирамиз. Акамиз вафот этганидан кейин бир неча йил давомида бир тўда ёвуз ниятли кимсаларнинг қутқуси билан юзлаб, минглаб ҳалол, меҳнаткаш инсонлар тақдири у кишининг номи билан боғланиб, турли уйдирма, таъқиб ва қувғинларга гирифтор бўлди. «Оқ пахта»нинг «қора меҳнат»ида тобланган жуда кўп одамлар урилди, сурилди, қамалди, отилди. Афсус ва надоматлар бўлсинки, улар орасида, аксарият, емаган сомсага пул тўлаб дегандай бегуноҳ қурбон бўлиб кетганлар, обрўсизланган, бола-чақаси дайдиб, рўзғори тўкилган ва соғлигидан ажраб, бир умрга майиб-мажруҳ бўлиб қолганлар ҳам кам эмас. Тухмат балосига йўлиқиб, номунига чидаёлмай ўз жонига қасд қилганлар, дунёдан бевақт кўз юмганлар қанча. Худо раҳмат қилсин уларни. Барча жабрдийда оилаларга чин инсоний ҳамдардлик билдирамиз. Турган гап, барчамиз учун мусибатли бўлган ўша оғир йилларда энг кўп жабр кўрган оилалар қаторидан биз ҳам узоқда турмадик.

Орадан ўтган ўн йил ичида биз, «рашидовчилар», юз йилга қаридик. Аммо, бир улуғ донишманд айтганидай, тун қанчалик чўзилмасин ортидан Ъалқиб тонг

отади! Қанчалик оғир бўлса-да, илоҳим, у машъум кунлар бир оғир тушдай, саробдай ўтиб кетгани рост бўлсин.

Шароф Рашидовнинг фожиаси бир шахснинг қисмати эмас, балки давр фожиасидир. Менн жуда озурда қилган нарса шу бўлдики, бир талай амал бандалари марҳумга тош отар экан, бу тиғу парронлар бошқа бировларга эмас, охир-оқибатда маломат қилинаётган ўз одамларимизга, ўз-ўзимизга бориб тегишини ўйлаб ҳам андиша қилишмади. Мана шу давр фожиасида акамнинг иштироки қанча? У биз «Улуғ Октябрь Социалистик революцияси» деб лоф урган Ақраб тўнтариши оқибатида юзага келган мислсиз турғунлик даврининг энг кўзга кўринган арбобларидан бири эдимми ёки аҳвол сал бошқачароқмиди? Балки унинг ўзи ҳам ўша мудҳиш турғунликнинг қурбони бўлгандир? Билмадим. Мен сиёсий арбоб эмасман. Бу дардли саволларга жавоб беришим мушкул. Энг буюк ҳакам — вақт. Худди шу вақт ҳамма нарсани ўз жойига қўяди. Вақт шафқатни билмайди.

Ҳозир эса у кишининг вафотидан кейин ўтган йиллар орасида «ўзбеклар иши» атрофидаги гаплар бутун бир миллатга хусумат ва суиқасд қилишдан бошқа нарса эмаслиги маълум бўлиб қолди. Қонунсиз жамиятда қонуний яшаб бўладими? Дунёда энг илғор деб аталган бизнинг қонунларимиз эса деярли ҳеч нарсани исботлай олмади. Зотан, йўқ нарсани қандай «исботлаш» мумкин? Бугун мен ўша «қозикалонлардан» сўрамоқчиман:

— Жаноблар, ўн йиллаб тиришдингиз, қириб-қиртишладингиз, кавлаштирдингиз, ҳаммаёқни ғалвир қилдингиз. Бурнингизни тикмаган жойингиз қолмади ҳисоб. Ҳатто акамнинг гўрини ҳам кавладингиз кафанларининг қат-қатига олтину гавҳарлар яшириб қўйилмаганмикан деб! Юзлаб, минглаб жилд «делолар» тўқидингиз. Сизга ҳам қийин бўлди. Лекин... гўё тенглар ичра тенг бўлган бутун бир жумҳуриятга тоғдай даъво қилдингизу, айтарли бирон натижага эриша олмадингиз чоғи? Хўш, нимани аниқладингиз? «Аср жинояти» содир бўлган эканми? Акамнинг миллионлаб, миллиардлаб сармоялари, чиндан ҳам, бор эканми? Агар бўлса, қайси миллий банкларда, қайси хорижий хазинахоналарда сақланаётибди? Эҳтимол, Швейцариядадир?

Аммо янглишмасам, ўзбек халқини, унинг бир ҳалол фарзанди бўлган Шароф Рашидовни собиқ марказдан туриб маломат қилган казо-казоларнинг аллақанчаси бугун нопок «бизнесменлар» бўлиб чиқди. Афсомавор

маблағларни қаёқдан олишдийкин ул даҳолар-а? Улар ҳеч қандай давлат ёки жамоат арбоблари эмас, балки халқаро миқёсдаги пихини ёрган майда чайқовчилар экан.

Э, аттанг...

Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссасидаги бир гап ёдимга келади. Асар қаҳрамонларидан бири, ўспириин йигитча Сент Дониёрдан урушда кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб беришни сўраганида, Дониёр ҳадеганда жавоб қайтармай сукут сақлайди. Ичи ўпирилиб кетгандай ларзага келади, изтироб чекади. Уни шунчаки эртақ айтгандай, лоқайдлик билан ҳикоя қилиб бериш мумкин эмаслигини айтади:

— Уруш дейсанми?— деди Дониёр ва худди ўзига ўзи жавоб бераётгандек синиқ овоз билан қўшиб қўйди.— Урушнинг номи ўчсин, уни билмаганларинг яхши!

1983 йилдан кейин салкам етти йил давомида жумҳуриятимизда содир бўлган ур-сур, васваса, хунрезликларни, мудҳиш воқеаларни эсласам, юрагим орқага тортиб кетади. Мен ҳам, Дониёр сингари, келинг, биродарлар, ўша аламли ва аянчли кўргиликларни эсламай қўя қолайлик, дегим келади. Лекин, начора, дилингдагини тилингга чиқармасанг, тарс ёрилиб кетай дейсан, киши.

Бугун қадриятларимиз тикланиб, атак-чечак қилаётган мустақиллигимиз нашидаларидан эндигина баҳраманд бўлаётган кунларда, қолаверса, акам хотирасига нисбатан, унинг таваллудига 75 йил тўлиши олдидан адл-инсофни тиклаш сари қилинаётган барча саъй ҳаракатлар халқимизга таскин ва манзур бўлаётган бир пайтда бу ботиний илиқлик, ҳаётбахш баҳорий насим мени ҳам қўлимга қалам олишга ундади.

Жумлайи жаҳон, унинг сон-саноксиз дўстлари, узоқ хориждаги турли-туман миллатларга мансуб жамоатчилик Шароф Рашидовга нисбатан бўлаётган бўҳтонлардан ҳайратланиб, «Наҳотки шундоқ одам шунақа бўлиб чиқса!» дея ёқа ушлади. Уша мудҳиш кунларда соф ниятли хорижий фуқаролар бундай уйдирмаларга ишонмай, уни Оллоҳдан сўраб, қалбдан қувватлаб турса-ю; ўзимизникилар нима қилишди? Қайнаса қони қўшилмайдиган муртад шахслар-ку ўз йўлига. Даставвал, унинг қўл остида ишлаб кўзи тириклигида қўйнига сув пуркаб келган Усмонхўжаев, Нишонов, Осетров ва бошқа бсбурдлар нима қилдилар? Уларнинг орқасидан қуюшқондан чиққан иккиюзламачи, ғаразгўй қаламкашлар эса сафсатабозликни авжига миндирдилар.



Ш. Рашидов, Файз Аҳмад Файз, Ч. Айтматов.

Бунга таажжубланмаса ҳам бўлади, албатта. Чунки бу биз учун янгилик эмас. Оқибатсизлик... Жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг, зулм ва зўравонликка асосланган ёвуз салтанатнинг яшаш тарзи, иш усули ўзи шундай. Худди шу иллат туфайли ўз киндик қони тўкилган она юртидан этақ силтаб, бош олиб чиқиб кетган сон-саноксиз ватандошларимиздан бирицинг сўзларига қулоқ солайлик: «...Бир золим, бир диктатор ўлгандан сўнг, унинг ерини ишғол қилган меросхўр ўз мавқеини мустақкамлаш, мавжуд иқтисодий-сиёсий қийинчиликларга важ кўрсатиш учун турли чораларга бош уради. Тарихда кам ростланган мустабид ҳукмрон Сталиннинг ўрнини эгаллаган Хрушчев орадан кўп вақт ўтмай, «шаҳсга сиғинишнинг зарарлари» деяроқ ўз устозига қарши чиқиб, уни қоралади ва халқлар қотили сифатида уни тақдим этди. Хрушчев мавқеини эгаллашга эришган Брежнев сафдоши Хрушчевни «чидамсизлик» ва «ўзбошимчаликда». айблади. Горбачев эса собиқ Совет Иттифқидаги иқтисодий кризис ва чалкаш-чулқашликларга Брежнев жорий қилган сиёсат ва унинг фаолиятини сабаб қилиб кўрсатган эди.

Ўзбекистонда бўлса, «кичик горбачевлардан» Усмонхўжаев, Салимовлар жумҳуриятда мавжуд бўлган иллатларнинг ҳаммасига Рашидовни сабабчи қилиб кўрсатишга тиришдилар» (Ў. Жамшид. Олмонияда чиқадиган Туркистон миллий истиқлол партияси нашри «Истиқлол байроғи» мажалласининг 1986 йил 1-сонидан).

Мен «акамнинг укаси» бўлганим учун эмас, балки оқни оқ, қорани қора деб тарбияланганимдан ўзим билган гапларни айтмоқчиман. Чунки узоқ йиллар мобайнида у кишининг қутлуғ даргоҳида яшаб қай йўсинда ишлашини, одамларга нисбатан қандай муносабатда бўлганини билар эдим.

Шу топда мени зил-замбил бир андиша қаттиқ эзиб турибди. Шароф Рашидовдан кейин унинг собиқ «аъёну аҳкомларидан» кўпчилиги, ўз бошини сақлаб қолиш учун, акамнинг шаънига ўта бўлмағур гапларни айтишди. Энди бўлса, улар Ўзбекистоннинг бугунги биринчи қонуний сайланган оқсоқоли бу инсон ҳақида илиқ сўзлар айтганидан кейин, кўча-кўйларда ёки марҳумнинг маросимларида, ҳеч нарса кўрмагандай яна бетларини шапатилаб қизартириб юришибди. Менинг «айниқса «ҳазрат» Бузрукхўжа ўғли Усмонхўжаевга алоҳида айтадиган «икки оғиз сўзим» бор.

Муштарийлар каминани тўғри тушунишсин. Мен ҳеч

кимга: «Ҳорманглар энди! Ҳолларинг қалай? Худога беадад шукур. Ҳақиқат рўёбга чиқадиган кун ҳам келар экан-ку!»— дея таъна тошларини отмоқчи эмасман. Биламанки, парвардигорга ҳам, бандасига ҳам ёқмайди бундай шаккоклик. Бунинг устига, уларнинг ўзлари ҳам сувдан қуруқ чиқишмади. Ўз тухмату маломатларининг «мукофотини» рўзи маҳшарни ҳам кутиб ўтирмай, шу ёруғ дунёнинг ўзида олишди. Қисқаси, бу ерда тилга олинган номларнинг эгалари мендан хафа бўлишмасин. Унутмасинларки, биз ҳам — Шароф Рашидовлар хонадони — улардан кам яқинларимизни йўқотмадик, улардан кам хўрликлар кўрмадик.

### МЕҲНАТ ҚИЛГАН — ЭЛДА АЗИЗ

Шароф акам халқни, ватанни чексиз севиб ардоқлади, мудом эл-юрт ташвишида юрди. Шу мушфиқ халқ, эл-юрт манфаатларини, шу манфаатлар йўлида курашишни ҳар нарсадан устун қўйди. Азалдан маълумки, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик инсон қадрқимматини белгиловчи, уни улуғловчи мезонлардан бўлиб келган. Шароф Рашидовни улуғлаб эъзозлаган, ҳурматини жойига қўйган, қўйингки, уни мўр-малаҳдек ёпирилиб келган бало-қазолардан халос этган ҳам севимли халқи ҳамда ватани йўлидаги жасоратли меҳнати деб ўйлайман. Ана шу тинимсиз, мўъжизакор меҳнат у кишига сўнмас илоҳий бир куч ато этган. Дарвоқе, шоирнинг ўзи бир шеърида шундай ёзган эди:

Сен билан очдим кўзимни, сен билан бўлдим азиз,  
Сен билан кулди диёрим, сен билан турмуш лазиз,  
Сен билан олам ёруғ, оламда сен бўлдинг азиз,  
Ҳам ғурурим, ҳам сурурим, ҳам ҳузурим меҳнатим.

Янги ерларни ўзлаштириш учун олиб борилган мислсиз курашлар, жумҳуриятимизда бунёд этилган сонсаноксиз боғи эрамлар, даҳшатли зилзиладан тутдай тўкилган Тошкентдек азим шаҳарнинг қайта қад кўтариши, қанчадан-қанча ер остию ер усти кошоналари, маданиятимиз, адабиёт ва санъатимиз равнақи йўлидаги жонбозликлар, қолаверса, ўзбек халқини, унинг маданиятини хорижий мамлакатлар халқларига танитишу халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашдаги чексиз фаолияти... Эҳ-ҳе, яхшидан боғ қолади деганларидек, у кишининг халққа қилган хизмати, қолдирган мероси ҳақида ҳар қанча гапирса оз.

Хўш, у кишининг фаолиятида нуқсонлар ҳам бўлганми? Беайб парвардигор, дейишади. Тўғри, ҳар бир инсонда, у ким бўлиши, қайси лавозимда ишлашидан



қатъи назар, ўзига хос хато-камчиликлар бўлиши турган гап. Қатрада қуёш акс этганидек, жумҳурият ҳаётида, ҳатто собиқ Иттифоқ ҳаётида юз бераётган мураккаб ўзгаришлар Ш. Рашидов нигоҳида қанчалик ўз ифодасини топган бўлмасин, барибир, икки кўз ҳаммасини кўра олмади. Кўра олмас ҳам эди... Қолаверса, у одамларга ҳаддан ташқари ишонар эди. Акамнинг фаолиятида ҳам муайян нуқсон ва қусурлар содир бўлганлиги маълум. Улар ҳақида матбуот саҳифаларида ошириб-тошириб гапиришди, анжуманларда оғиз кўпиртириб сўзлашди ҳам. Гарчи Шароф Рашидов фаолиятидаги хатолар ҳар қанча танқиду дашномларга озук берган бўлмасин, барибир, вақт ўтиши билан, унинг «заминни елкасида кўтариб турган»лардан бири эканлиги маълум бўлиб қолди.

«Биз одамлардаги кўпдан-кўп қусурларни илғамай-миз, аммо яхши фазилатларини ҳам камдан-кам эътироф этамиз» («Донолар бисотидан»). Шуниси юракбағримни тирнайдики, ёруғ ниятли бир инсон, қирқ йилдан зиёд давр мобайнида халқим, ватаним деб, бутун ақл-идрокини, қалб қўрнини сарфлаб, тиним билмай, жонини жабборга бериб, ҳатто фарзандларининг ҳам дийдорига тўймай, вақти келганда уйқу ҳисобига тинимсиз меҳнат қилган бўлса-ю, вафот этганидан сўнг... тавқи лаънатга учраса! Пахта якка ҳокимлиги ҳам, Орол фожияси ҳам, жумҳуриятда ўрис тилини ўрганишга даъват ҳам, ўртамиёна асарларнинг урчиб кетиши ҳам, қўйингки, қушларимизнинг тури камайганию, чувалчангларга қирон келиши ҳам биргина инсон номи билан боғлиқ бўлса! Наҳотки, акамнинг барча қилган ишлари бесамар бўлиб чиққан бўлса! Шуми инсоф, шуми диёнат?

Далилнинг тоши оғир, дейдилар. Ш. Рашидов шаънига айтилган танқидий фикрларни сарҳисоб қилиш мавриди ҳам келди. Бир куни собиқ Марказий Қўмитанинг дала ҳовлисида Шароф акам билан Усмонхўжаев Бузрукхўжанинг суҳбатини чой қуйиб тинглаб ўтирибман. «Болам Шарофжон, ўғлимни Сизга, Сизни эса худога топширдим. Раҳнамолик қилсангиз. Бир умр Сизни алқаб, миннатдор бўлиб юраман, худойим мартабангизни янада зиёда қилсин»,— деди у. Шароф акам падари бузрукворнинг сўзини ерда қолдирмади. Чунки Шароф акам Усмонхўжаев Бузрукхўжани эъзозларди. Унга ҳайкал ўрнатишга ҳам бошчилик қилганди. Берган ваъдасига содиқ қолиб, унинг фарзанди Иномжоннинг юқори мартабаларга кўтарилишига раҳнамолик қилди.

Шароф акамнинг вафотидан сўнг эса, унга қарши тел-бавор хуружни бошлаб берган ҳам, хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги собиқ КПСС Марказий Қўмитаси ва собиқ СССР Вазирлар Кенгашининг (1983 йил 23 декабрь) қарорини бекор қилдирган ҳам ўша И. Б. Усмонхўжаев бўлди. Жиззахдаги ёдгорликни (бюст) қўпортирган ким? Усмонхўжаев. Марҳумнинг қабрини ким кўчиртирди? Усмонхўжаев... Шунга қарамай, у сурбетларча буларнинг ҳаммасини Масковнинг иши қилиб кўрсатишга уринди. Ҳамма қилғиликни қилиб қўйиб, эндиликда, ҳибсдан чиққандан сўнг: «Ш. Рашидов республика учун энг кўп жон куйдирган одамлардан эди. Юзидан нур ёғниб турган бу одам билан учрашиш ҳар кимга ҳам nasib қилавермайди»,— дея тилёғламалик билан фирибгарлик йўлига ўтиб олди («Ёш ленинчи» рўзномаси, 1991 йил 12 ноябрь). Раҳматли акам ўша кезларда ношуд ва нобакор шогирд улғаяётганини, қўйнида шайтон урчиётганини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак.

Даҳшатли фожиа яна шундаки, Усмонхўжаев марказдан ва Русиянинг бошқа жойларидан келган, ўзи чорлаб чақирган аксарият қизил фирибгарларга сажда қилиб ишлади. Сажда қилишгина эмас, уларнинг кўнглини овлаб, барча шароитларни яратиб берди, жумҳурият ва халқимиз тақдирини уларга бутунлай топшириб қўйди. Ўзи эса ўша «қизил десантчилар» қўлида қўғирчоқ бўлиб яшади. Бу хорижий муттаҳамлар эса, қамчисидан қон томиб, қиличини қайраб, Бисмарк қатағони йўлини тутдилар. Жумҳуриятни оёқ ости қилиб, қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларнинг ёстигини қуритдилар. Аслини олганда, бу ножинс қизил келгиндилар, Усмонхўжаев тўтиқуш бўлиб такрорлаганидай, одамларимизнинг юкини енгил қилиш учун эмас, аксинча, яна ўша кулфат чекаётган меҳнаткаш халқни талаб, хонавайрон қилиш учун келган чор мустамлакачиларининг давомчилари бўлиб чиқдилар. Пировардида эса, улар Ўзбекистон диёри, ўзбек халқининг шаънига надоматлар ёғдирдилар. Ниҳоят, интиҳом навбати ўзларига келганда, Иномжон Бузруковични ҳам гум қилиб, ҳамёнларини тўлдирганча ҳайё-ҳу деб қочиб қолдилар. Мана, қалтис иш тутган раҳбарнинг фожиали тақдири. Бирники мингга, мингники туманга...

«Садоқатли» шогирдларидан яна бири Нишонов Шароф Рашидов шаънига туҳмату бўҳтонлар ёғдиришда Усмонхўжаевни ҳам бир чўқишда қочирди. «Рашидовчилик», «унвонпараст», «рекордпараст» ва яна алла-

қандай «сифатларни» тўқишга, устаси фараиғ чиқиб қолди у. «Мен ҳам Рашидовдан озор чекканман, ўз вақтида чет элга бадарға қилинганман», деб айюҳаннос солди. Марказий матбуотда бот-бот чиқишлар қилиб, Ш. Рашидов баҳона жумҳуриятимиз шаънига таъна тошларини ёғдирди. Аслини олганда, Шароф акам ўз вақтида Нишонунинг жирканч, ноҳўя хатти-ҳаракатларини ошкор қилишни, унинг обрўсига путур етказишни лозим кўрмаганди. Акс ҳолда, иш бошқача тус олган бўларди... Очигини айтганда, кимларнингдир оилавий тинчлигини бузиб, иззат-нафсига текканида ва қонунга хилоф иш қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилай деганида Рашидов миллатимиз шаъни, партия ва унинг обрўсини деб уни жазодан олиб қолди. Нопок хатти-ҳаракатлари учун ҳалок этмоқчи бўлганларида, уни ўлимдан олиб қолганлари тафсилотларини жуда яхши биламан.

Горбачёвнинг пинжига кириб олган Нишоннов собиқ СССР Миллатлар Кенгашининг раиси бўла туриб, ўзи қандай ҳунар кўрсатди? Халқлар ўртасидаги дўстликка ва тотувликка раҳна солинди. Мисли кўрилмаган миллий низолар авж олди. Бундай бузғунчиликлар айнан Нишоннов фаолияти даврига тўғри келди. Қолаверса, у ўз халқи, жумҳурияти шаънига ҳам ғаразғўйлик ишларини давом эттирди. Фарғона ва бошқа жойлардаги фожиаларга чек қўйиш ўрнига, Масковдаги янги маънавий оталари, акалари пинжида сукут сақлаб, ҳайбаракаллачи бўлиб ўтирди. Жумҳуриятимиз мустақилликка эришиб, шаҳдам одимлаётган ҳозирги кундача? Ундайларга бизда сичқоннинг ини минг танга. Булар ҳали ҳалво. Нишонунинг энг катта қилмиш-қидирмишлари ҳали олдинда. Улар эндиликда ўз ечимини кутмоқда...

Шароф Рашидовнинг яна бир шогирди, меҳр қўйган сафдоши Салимов («Оқилжон» деб эси кетарди акамнинг) унинг вафотидан сўнг, орадан кўп ўтмай, ўз маҳқени сақлаб қолиш илинжида XXI съезд минбаридан куракда турмайдиган сўзларни айтди:

«Ҳозир, синчиклаб яшириб келинган кўпгина фактлар ошкор бўлган бир пайтда унинг феъл-атвор йўли асло сиёсий гўлликнинг натижаси бўлмаганлиги кўришиб турибди. Бу йўл мутлақо онгли равишда ўтказиб келинган ва мутлоқ ҳоқимиятга эга бўлишга қаратилган эди. У ўзининг волонтаристик қарорларини одатда юқоридан берилган директива деб кўрсатар эди. Шу сабабли бу қарорга қўшилмаслик иш манфаатларига зид

баҳоланар эди. Раҳбарларнинг коллегиялиги принципи асосий тўсиқ бўлиши мумкинлиги сабабли бу принцип онгли равишда бир чеккага суриб қўйиларди»,— деган эди у ўз нутқида. Ана холос! Бу ёғи қандоқ бўлди? Энди унинг ҳам юзи шувут.

Юқорида номлари зикр этилган «даҳолар» ёлчителиб ишлай олмадилар. Ёлчителиб ишлаганларни эса кўролмай, уларга нисбатан ғаразғўйлик йўлини тутишди. Қаранг-а, марҳум билан кимлар олишиб ётибди! Етти ёт бегоналар эмас, балки ўзи тарбиялаб вояга етказган шогирдлари, ҳамкору ҳамдастлари. Демак, яхши тарбияланмаган экан-да? Йўқ, менимча, тарбия тўғри бўлган. Бироқ юқорида таъкидлаб ўтганимдек, бу чиркин тузумнинг «мерос» бўлиб қолган ўзига хос сифатлари: субутсизлик, ғараз, суиқасд, маънавий падаркушлик ва биродаркушлик уларни шу куйга солган. Мана сизга қизил империянинг тутган йўли, сиёсати.

«Правда» газетасининг бир сонида Сурхондарё вилоят фирқа қўмитасининг собиқ котиби Абдухолиқ Каримовнинг сўзларини ўқиганим бор: «Темир панжара ортида болаларимни кўролмай итдек ўлиб кетмасам бўлгани... Ш. Рашидов ҳам вақти-вақти билан вилоятларга чиқиб ўлпон олиб турар эди»,— деб ёзилганди рўзномада. Бу ҳаммамиз учун аталадан суяк чиққандай бир гап бўлган эди. Мен Абдухолиқ ака қамоқдан чиқиб келса, «Бу сўзларингиз учун ҳисоб бера оласизми?»— деб сўрашни кўнглимга тугиб қўйгандим. Тоғтоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади, дейишади. Замонанинг зайли билан Жиззахда акамнинг мовлиятига бағишланган бир йиғинда учрашиб қолдик. Шунда холи қолиб, бафуржа гаплашиб олдик:

— Мана, қамоқдан ҳам омон-эсон чиқиб келдингиз,— дея гап бошладим.— Ўтган гапга салавот, дейдилар. Бироқ, кечирасиз, акам ҳақидаги ўша гапларни ҳақиқатан ҳам айтганмидингиз ёки...?

— Бу бирт ёлғон, ука. Шароф акани устозим, пайғамбарим деб, эъзозлаб келганман, бундан кейин ҳам янада кўпроқ эъзозлайман. Бу гап эса матбуотнинг уйдирмаси, қолаверса, жаллодларнинг иши,— деди у. Бизнингча, Абдухолиқ Каримов ҳибсдан чиққандан сўнг мусичаи бегуноҳ бўлиб сукут сақлаб юрмасдан матбуотда аллақачон раддия бериши, бор гапларни дангал айтиши керак эди. Шунда у балки ўзини ҳам унчалик шубҳага солмаган бўларди? Бу ёғи Абдухолиқ Каримовнинг виждонига ҳавола.

У ёки бу масалада Ш. Рашидовни танқид қилиш

«мода»га айланган ўша пайтларда у кишини почасидан олганлардан, Усмонхўжаев ва Нишоновларнинг ноғорасига ўйнаганлардан яна бири собиқ халқ таълими вазири Ойдиной Аббосова бўлди.

Аббосова кўпгина йиғинларда, шу жумладан, Тошкент давлат муаллимлар тайёрлаш олийгоҳининг мажлислар залида неча бор сўзлаб, Ш. Рашидов рус тилини ўрганиш юзасидан роса тарғибот, ташвиқот ишларини олиб борган, рус тили деб жонини жабборга бериб, ҳамма ёққа жар солиб, турна қатор мақолалар ёзиб, рисоалару тадқиқотлар чиқарган бўлса ҳам, бари бир, бу соҳада бошқа жумҳуриятлардан энг орқада қолиб келаётирмиз, деб сафсатабозлик қилди. Ҳар икки гапнинг бирида бу сўзларни такрорлашдан чарчамади. Рус тили жаҳон халқлари билан алоқа қилиш қуроли эканлигини ҳам қўйиб турайлик, ҳеч бўлмаганда рус халқининг ўзи билан алоқа қилиш қуроли ҳамку. Рус тилини ўрганиш, уни ташвиқ қилишнинг нима ёмон томони бор экан? Ҳеч қандай исбот талаб этмайдиган бу ҳақиқатни наҳотки Аббосова тушунини истамаса. Тил билган — дил билади, дейди халқимиз. Ахир тилни тарғиб қилиш илм-фанни, маданиятни, техника янгиликларини тарғиб қилиш эмасми.

Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур,  
Тил воситаи робитаи оламиёндур.  
Ғайри тилни саъй қилинг билгали ёшлар,  
Ким илму ҳунарлар ривожин андин аёндур.

Аваз Утар ўғли.

Агар ўтмишга назар ташласак, бобомиз Алишер Навоидан тортиб Аваз Утар ўғлигача, Фурқатдан тортиб Сатторхонгача, Исҳоқхондан тортиб Ҳамзагача рус тилини таъриф тавсиф этиб келганлар. Демак, Ш. Рашидов ҳам ўз салафлари изидан бориб, уларнинг маърифатпарварлик ишларини давом эттирган.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, дейишади. Рус тилини тарғиб ва ташвиқ қилишда Ш. Рашидовнинг саъй ҳаракатларини қоралашда Аббосованинг калималарини айнан ёдлаб олган садоқатпешалар, яъни олийгоҳимизнинг айрим сафсатавоз тўтиқуш домлалари ҳам «холис» хизматдан четда қолмадилар. Улар сиёсий ўқиш баҳонасида Ш. Рашидовнинг «қилмишларини», шу жумладан унинг рус тилини тарғиб қилиш борасидаги хизматларини қоралаб, уни асосий танқид объектига айлантирган пайтлари ҳам бўлди. Бу хатти-ҳаракатлар ҳаёт ҳақиқатига эстетик дид, эстетик муносабат-

да бўлиш қобилиятининг етишмаслиги оқибати эмасмикин? Нима ҳам дердик, қуш тилини қуш билади. Бироқ улар ҳар қанча жўр бўлишмасин, бари бир карвон ўз йўлида давом этишини унутмаслик керак.

Ўзимиздаги ҳоқими мутлоқлар ва айрим қизил десантчилар, бир сўз билан айтганда, ғаразгўйлар акамнинг айрим оила аъзоларига ҳам тазйиқ ўтказдилар, уларга ишлаб турган жойларида тинчлик бермай қувғин остига олдилар. Жиянларимдан бирини тўрт-беш бор нишдан олишди. Энди бу ишлар изга тушиб, ҳақиқат ўз ўрнига қарор топаяпти. Оиламиз фарзандларининг ҳаммаси одобли, андишали, хушфеъл, одамижон бўлиб, илмнинг турли соҳалари бўйича иш олиб боришади. Улар бир-бировлари билан иноқ, элу халққа оталаридек сидқидилдан, астойдил хизмат қилишмоқда.

Ўзимга келганда шуни айтишим керакки, расмий, норасмий доираларда менга ҳам турлича муносабатда бўлдилар.

Умуман олганда дўстларимнинг кўпчилиги менга бўлган муносабатларини ўзгартиришмади. Айтиш мумкинки, улар, аксинча, менга ўзларини янада яқинроқ тутгандек, ўқсиган қалбимга далда бергандек бўлдилар. Очигини айтганда, институтимиздаги Ш. Рашидовдан манфаат кўриб келган айрим шахслар менга ҳам (уларнинг фирромлигини, умуман ножўя хатти-ҳаракатларини узоқ йиллар мобайнида кескин танқид қилиб келган эдим) зимдан тазйиқ ўтказишга урниб кўрдилар, устимдан юмалоқ хатлар ҳам уюштириб, барча ёзув-чизувларимни ўзларича ғалвирдан ўтказиб кўрдилар. Натижа чиқмади.

Шароф Рашидов ҳеч қачон одамларнинг тақдирига бефарқ қараган эмас эди. Энг оғир дамларда уларга ёрдам қўлини чўзар, шафқатталаб одамлардан ўз меҳроқибатини дариф тутмасди.

Ш. Рашидов олийгоҳимиздаги бир домланинг (исми шарифларини айтиб ўтиришни лозим кўрмадим) хизматларини юксак баҳолаб ҳурматларди. Чунончи, домланинг докторлик диссертацияси ОАҚ да тасдиқланмай узоқ туриб қолганда, Ш. Рашидов унинг тақдири билан неча бор қизиқди. Мен ҳам ул кишининг илтижоларини ерда қолдирмай, акамниқига бўзчининг моксидек қатнади. Афсуски, масала чигал экан, ижобий ҳал бўлмади. Бу хусусда акам билан сўнгги бор учрашганимда: «Буёғига ожизман!»— деб икки қўлини кўтарди. Диссертация юзасидан бўлиб ўтган гаплардан сўз ҳам

очмади. Эҳтимол, биринчи бор шашти қайтгандир, деб ўйлайман. Лекин шунда ҳам, акам ўша домлага диссертацияни иккинчи марта ёқлашни маслаҳат берган



Ш. Рашидов янги мактабнинг очилишида (84-мактаб).

эди. Бу орада домланинг хизмат кўрсатган фан арбоби бўлишига ва сўнгроқ қайта ёқлашига ҳам раҳнамолик қилганлигидан яхши хабардорман. Қисқаси, Ш. Рашидов унга ҳамиша ғамхўрлик қилиб келган эди. Домласи тушмагур эса...

Бир куни сиёсий ўқишга тўпланаётганимизда домла: «Бировлар учинчи юлдузни тақиш учун Сибирь сувларини Урта Осиёга оқизиш проблемасини кўтариб чиқди»,— дея дарсхонага тунд ҳолда кириб келди. Э, худо, қанақа кунларга қолдик. Шаккоклик шунчалар ҳам бўладими, дедим нафасимни ичимга ютиб. Орденларга тил теккизиш гуноҳи азим... Кўзим жикқа ёшга тўлди. Энди эса, вазиятга қараб, домла ҳам нуқтаи назарини гўё ўзгартирган бўлди. Шароф Рашидов ҳақида хотира ёзди...

Расмий доираларга келганимизда шунини айтиш керакки, собиқ Давлат Хавфсизлик Қўмитаси томонидан Ш. Рашидов оиласи аъзолари, қариндош-уруғлари неча марталаб сўроқ қилинганлиги маълум. Шахсан менга келганда, «резервдаман» деб юрган эдим, вақти-соати келиб мени ҳам Ш. Рашидов билан боғлиқ масалалар жараёни тугалланиши олдида бир бор таклиф этдилар. Улар мени чақиртиргунга қадар фаолиятимни обдон текшириб, маълум хулосага келганликларини қалбим сезиб турган эди, албатта. Борсам, Москвадан келган терговчилардан тўрт-бештаси Хавфсизлик Қўмитаси биносидаги хоналардан бирига жойлашиб олиб иш кўраётган эканлар. Улар мени акамнинг қабри кўчирилишида иштирок этган кимсалардан ҳам илиқроқ кутиб олишди. Кейин билишимча, собиқ Ўзбекистон Марказий Қўмитаси девонхонасининг собиқ иш бошқарувчиси Турсун Умаров ва Самарқанд вилоят ижроия қўмитасининг собиқ раиси, марҳум қайин акамиз Синдорқул Ҳамроқуловларнинг тергов ишлари муносабати билан таклиф этилган эканман.

Терговчи: Муаллимлар — зиёлиларнинг гули. Сиз ҳақингизда маълум тасаввурга эгамиз. Сизга бир оғиз ҳам эътирозимиз йўқ. Одоб юзасидан чақирдик. Фақат шу иккала шахс хусусида билганингизча гапириб берсангиз,— деди. Терговчининг саволларига жавоб бериб бўлганимдан сўнг, у қизиқиб сўраб қолди: Нега акангиз катта лавозимда бўла туриб, сиз бундай имкониятдан фойдаланмадингиз?

Акам ўз йўлига, мен эса ўз йўлимга. Менда ҳақиқатан ҳам, на машина, на дала ҳовли бор. Ҳатто велосипед ҳам йўқ. Зарурият юзасидан унисини ҳам, бунисини ҳам сўраган пайтларим бўлган. Аммо акам рухсат бермаган. Ҳатто юқорироқ лавозимларга ишга таклиф этганларида ҳам, розилик бермаган. Билмадим. Нима бўлганда ҳам акам менинг моддий шароитимнинг ай-



тарли даражада яхшиланишига ҳамда лозим кўришган лавозимларга ишга ўтишимга ижозат бермай, тўғри қилган экан, деб ўйлайман. Шу туфайли бўлса керак, менга ҳеч ким, ҳеч қачон ва ҳеч қаерда заррача тазйиқ ўтказолмаган.

Ниҳоят, ғанимлар раҳматли акамнинг қабрига кўз тикдилар. Марҳумнинг оила аъзолари неча бор хат ёзишиб, қабрни она юрти Жиззахга кўчиришни сўраб мурожаат қилганларида ҳам Усмонхўжаев ва унинг атрофидаги бировнинг салласини деса калласини олиб келадиган муте югурдаклари аксинча йўл тутдилар. Қарасаларки, жумлайи мўмин унинг қабри сари оқиб келмоқда... Биров белбоғини, биров яктагини, биров тўнини ёзиб, қуръон тиловат қилишмоқда, дуойи фотиҳа ўқишмоқда. Эртаю-кеч одамлар қўлида гул кўтариб, унинг қабрини зиёрат қилмоқдалар. У ёқда Ленин майдони, бу ёқда Ленин музейи. Музейга ҳеч ким кирмай ҳам қўйди. Нима қилиш керак? Қабр ўрнини албатта ўзгартириш керак, деган қарорга келишган. Гўё бу ер «хурфот» ўчоғига айланиб қолаётгандай туюлган отасини ҳам танимайдиган даҳрийларга. Собиқ марказга пайдарпай қўнғироқлару, турна қатор мактублар йўллашиб, мурожаат қилаверишган. Аслида, Масков ўзича Шароф Рашидов қабрига кўз тикмаган эди.

Кунлардан бирида, ногаҳон, жумҳурият Вазирлари Кенгашининг собиқ раиси Ғайрат Қодиров уйимга қўнғироқ қилиб қолди. Мен билан кўпдан бери кўришиб юрган қадрдонлардек, ҳол-аҳвол сўраб, «маслаҳатли бир иш» борлигини айтди. Кабинетга ташриф буюришим керак экан (у менинг боришимга машина ҳам юборган эди). Кўчага чиқсам, машина кутиб турибди. Қизил майдонга равона бўлдик. Бордик, мени раиснинг муовини иззат-ҳурмат билан лифтда олтинчи қаватга олиб чиқди. Ҳайҳотдай хонада ҳеч ким йўқ эди. Қодировни сўрадим. «У киши янганинг олдидан ўтишга кетдилар, ҳозир келадилар», деди. Узоқ кутдим. Вақт ўтаяпти. Эртага кун бўйи сабоқ бор, бора олмайдиганга ўхшайман. Узримни айтиб, ишхонамни хабардор қилиб қўйишим керак эди, дедим. Муовин рухсат бермади. «Раис ҳозир келадилар, хотиржам бўлинг. Узлари ректорга айтиб қўядилар»,— деди.

Ниҳоят, раис ҳам кириб келди. Юзлари шолғомдай қизариб кетган. Кейинчалик билишимча, унга ҳамроҳ бўлиб борган прокурор — иккаласи ҳам яхшигина таъзинини еган. Хуллас, бир пиёла чой ичиб, бирпас сукут

сақлагандан, сўнг, у тилга кирди ва: Авф этасиз, ука, акангизнинг қабрини коммунистлар мазорига кўчиришга қарор қилингани хусусида Сизни хабардор этмоқчиман,— деди.

Мен акамнинг жасадини Жиззахга ота-боболаримиз ёнига дафн этилишини сўраб мурожаат қилганлигимизни эслатдим ва «Усмонхўжаев «иккинчи Жиззах кўзғолони» кўтарилишидан чўчибди-да»,— дедим.

— Гапингизда жон бор, ука,— деди Ғ. Қодиров.— Бироқ бу иш биргина Усмонхўжаевнинг инсон-ихтиёри билан қилинаётгани йўқ. Бу бюронинг қарори. Қолаверса Масков билан келишилган. Шароф Рашидович атоқли партия ва давлат арбоби. Жиззахдаги қабристон қаердаю, Тошкентдаги коммунистлар мазори қаерда! Бу ерга дафн этилгани маъқул.

Кўйингки, 1987 йил 25 февралдан 26 февралга ўтар кечаси, соат 2 лардан кейин эл-халқни ухлатиб, тумонат одамлар қатнашувида (булар нуқул формадаги қуролланган аскарлару, миршаблар эди) ишни бошладилар. Жуда ваҳимали манзаранинг гувоҳи бўлдим. Епирай! Наҳотки, бу ерга тўпланган, тиш-тирноғигача қуролланган минглаб девдай навкарлар қабрда тинчгина ётган бир мўмин инсон, раҳматли акамдан шунчалар қўрқишса!.. Йўқ, навкарларда не айб! Булар ҳаммаси ўша даврдаги ўз соясидан қўрққан нобакор, аламзада бир тўда сотқин амалпарастларнинг кирдикори эди.

Махсус эксперт орқали кўзни қамаштирувчи сонсаноқсиз барқ (прожекторлар) нурида, турли-туман техника ёрдамида қабрни очишга тутиндилар. Мен ва жиянларим пайдо бўлишимиз билан, гўё йўқотган нарсасини топиб олган одамдек зудлик билан чақира-чуқур суратга ола бошлашди. Ёнимда Ғайрат Қодиров ва бу ғайритабий «маросимга» мутасадди бошқа шахслар. «Ҳим,— дедим ўзимча,— сизларга худди ана шу нарса — оила аъзолари қатнашди, деган гап керак эди, муддаоларингга эришдиларинг. Эҳ, малъунлар!..» Чиндан ҳам, эртасига «Тошкент оқшоми» рўзномасининг 27 февраль сонидида гўё «Қариндошларининг аризасига мувофиқ Ш. Рашидовнинг хоки Форобий кўчасидаги қабристонга қайта дафн этилди», деган мазмунда чумчуқнинг тилидай хабарнома босилиб чиқди.

Бу ёқда раҳматли акамнинг гўрини кавлаб ётишибдию, ўша топда меннинг хаёлимдан нималар кечганини ҳозир тушунтиришим қийин. Орадан етти-саккиз йиллар ўтиб, иштихонлик Абдулла Турдиев деган бир деҳқон

шоир ҳаммамизни ўртаб юборган бу мудҳиш воқеани шундай ёзади (шеърнинг айрим бандларини келтираман):

Тирикликда сўнги нафас: «Алвидо, ҳаёт!»  
Фао топиб, бир қабрга сиғмадим, ҳайҳот!  
Ўз элимга эмасдим-ку, ахир, етти ёт,  
Бу не шўриш — гўрингда ҳам, оҳ, озор етса?!

Каслар айтсин — бир жонимга минг жон асрадим,  
Эл ғамидин ўз ғамимни пинҳон асрадим.  
Наҳот, дўст деб, гоҳ қўйнимда илон асрадим,  
Ҳайҳот, дўстнинг чиқса агёр — қўлдан тор кетса?!

Ўз қадримга йиғлагайман, ҳолимга эмас,  
Жон аччиғи — ортда қолган молимга эмас,  
Рухимга ҳам тошлар отган золимга эмас,  
Қай бир бедин ўз суягин, ваҳки, хор этса?!

Икки дунё дунёсида ёлғиз Олло ҳақ,  
Ҳақ-ноҳақлик фатвосида ёлғиз Олло ҳақ,  
Ҳақ каломники айтгувчи Оллоҳимсан халқ,  
Шароф номим шараф топгай Олло ёр этса!..

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинчалик Усмонхўжаев Ўзбекистон фирқачилари Марказий Қўмитасининг ахборотида босилган «КПСС Марказий Қўмитасига мурожаат этиб, Ш. Рашидовнинг ҳотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорни бекор қилишни сўради» («Совет Ўзбекистони», 1986 йил 7 июнь), шунингдек, КПСС Марказий Қўмитаси ва Вазирлар Кенгашининг қароридаги «Ўзбекистон Компартияси ҳамда Вазирлар Кенгашининг таклифларини ўрганиб чиқиб...» каби ибораларни тан олишдан бош тортди. Ё бўлмаса, Ш. Мирсаидов имзо чеккан иккинчи бир тутуриқсиз қарордаги уйдирма сўзларга эътибор қилинг: «Ш. Рашидовнинг жасади қариндошларининг аризасига биноан дафн этилгандан сўнг орадан уч йил ўтганини ҳисобга олиб, унинг хоқини Форобий кўчасидаги қабристонга қайта дафн этишга рухсат берилсин» («Ўзбекистон овози, 1992 йил 8 апрель»). Қабрни Жиззахга кўчириш хусусида жаноб Усмонхўжаевга неча бор мурожаат этилган-ку, ахир. Такрорлайман: Қабрни Жиззахга кўчириш сўралган. «Қариндошларининг аризасига биноан, орадан уч йил ўтганини ҳисобга олиб», «Форобий кўчасидаги қабристонга қайта дафн этиш» каби ибораларни қайси ноинсоф, уйнинг куйгур хаёлпараст ўйлаб чиқарди экан! Бу ва юқоридаги қўштирноқ ичидаги сўзлардан бу кирдикорларни биринчи бўлиб бошлаганлар, яъни марҳум Ш. Рашидовни гўрдан олиб гўрга солишни «қонуний-

лаштирганлар» аслида кимлар экани беш қўлдек равшан бўлса-да, ҳамон улар Масковни пеш қилмоқдалар. Бу қанақа лўттивозлик! Биринчидан, қариндошлари бундай аризани ҳеч қачон ёзмаган ва ёзиши мумкин ҳам эмас эди (ғирт мантиқсизлик: коммунистлар мазорига бало борми!). Иккинчидан, ўша бетамиз қарорнинг мантиқсиз мантиқига кўра, инсонлар қабри уч йил муддатдан сўнг муқаррар ўзгартирилиши керак эканда?! Учинчидан, Форобий кўчасидаги қабристонга дафн этиш ҳақидаги гаплар тўқиб чиқарилган. Бу нима ўзи: росмана саводсизликми ёки уччига чиққан сиёсий кўрликми? Балки иккаласи ҳам қўшилиб, омухта бўлмай қолгандир? Ғирт уйдирмалардан иборат мазкур қарорга гарчи Мирсаидов имзо чеккан бўлса-да, аслида бу иш жазавага тушган Усмонхўжаевнинг зуғуми ва қистови, қатъий талаби билан бажарилган. Афсус ва надоматлар бўлсинки, халқ тақдири ана шундай довдир риёкор раҳбарлар қўлида қолган эди. «Эй парвардигор, ички душманлардан ўзинг асра, ташқисини яксон этарман...»,— деган экан соҳибқирон Амир Темур. Хуллас, барча разолатликларни ўзгалар эмас, балки Шароф Рашидовнинг ҳаёт эканлигида унинг саховатидан баҳраманд бўлиб келган мунофиқ «садоқатли дўстлари» амалга оширдилар.

Иккинчи акам Саҳобиддин Рашидов ҳақида. У ҳам қабри Жиззахга кўчириш масаласида Усмонхўжаев, Осетров ва Абдуллаеваларнинг олдига қатнайвериб озиб-тўзган (ўзи кўпдан бери жигар хасталигидан азият чекиб юрар эди), ғам-алам ўтида қоврилиб, ҳаётдан эрта кўз юмди. Бу ҳам етмагандай, усмонхўжаевчилар яна ўлганнинг устига тепган қабилида иш кўриб, урушда қон тўккан, турли лавозимларда ҳалол ва бенуқсон ишлаб, хизмати синган бу инсоннинг жасадини ўз вақтида дафн этилишига рухсат бермай, соатлаб сарсонсаргардон қилиб куттириб қўйдилар. Усмонхўжаевга сажда қилган Л. Қаюмов сингари сурбет гумроҳлар (у ўша кезларда «Совет Ўзбекистони» рўзномасининг бош муҳаррири эди) марҳумни дафн этиш учун бир парча ер топилмагани сингари, олийгоҳимиз жамоасининг менинг номимга юборган икки энлик таъзияномасини «ўз газетасида» эълон қилишни ҳам лозим топмади.

«Зарбдор» танқидчилар орасида Шароф Рашидовни ижод аҳлига маъмурий тазйиқ ўтказиб келган раҳбар қилиб кўрсатишга зўр бериб уринганлар ҳам бўлди. Шундаймикан?

«СССР» деб аталган собиқ мустабид мамлакат миқё-

сидаги адабиётга «фирқавий раҳбарлик» қандай мудҳиш асорат қолдиргани барчага аён. Бизнинг жумҳуриятимиз бундан мутлақо ҳоли эди десам, ким ишонади бу гапга? Бир муштарак «умумшўровий адабий иқлим» шароитида яшаб туриб, унинг таъсир доирасидан холи бўлиш мумкин эмасди, албатта. Узоқ йиллар давомида бизнинг Марказқўмда мафкура соҳасини қандай шахслар бошқариб келганлиги ҳозир ҳаммага маълум. Агар лозим бўлса, ўт ўчирувчилардан чиққан ёки айрим тағмаънавий нопок ўша мафкурачилар саркотиб, ёзувчи Шароф Рашидовнинг ўзига ҳам адабиёт нима эканлигини зимдан «ўргатиб қўйишга» тайёр эдилар. Бунга ажабланиб бўладими? Фирқавий раҳбарлик мақоми, барча соҳаларда бўлгани каби, бадний адабиётда ҳам ўзига хос бир «бекинмачоқ ўйин» эди. «Социалистик реализм» бадний адабиёт учун тайёрланган улкан бир қафасдан бошқа нарса эмасди. Мафкура, жумладан, адабиёт ҳам ўша минг хил оҳангга солиб мақталган ленинча сиёсатнинг югурдагига айланиб қолганидан кейин нима ҳам қилиш мумкин?.. «Адабий ўт ўчирувчилар» эса том маънодаги ёнғинни эмас, балки «йилт» этган ҳар қандай рўшноликни, адабиётни адабиёт қиладиган кўрини ҳам сўндириб юбораётганини яшириб қаёққа ҳам борамиз. «Туяни яширсанг, ўркачи кўринади», дейдилар.

Ўзимнинг бу мулоҳазаларим билан акамни ҳар қандай соғлом танқиддан бутунлай холи қилмоқчи эмасман. Афсуски, унинг ўзи ҳам бир қанча асарларида жамиятда фирқанинг етакчилик ролини, ўрис халқининг оғаларча «беғараз» ёрдами ва бошқа шундай росмана қарашларни ортиқ даражада бўрттириб тасвирлашга майл билдирган, «шахсий намуна» кўрсатиб, бошқаларни ҳам шунга рағбатлантирган. Нима ҳам дейин? Бўлган иш бўлган-да энди.

Лекин ёзувчи Шароф Рашидовнинг қисса, роман ва шеърларини тушуниб, билиб ўқиш керак (сўзловчи нодон бўлса, тингловчи доно бўлиши керак дейдилар. Аксинча, сўзловчи доно бўлиб, тингловчи нодон бўлмасин). Асарларнинг юза қатламларида жойлашган сўзларни кўриш эмас (буни ҳамма ҳам кўради), балки адибнинг чуқур дардини ва асл муддаосини тагматндан топиб, фаҳмлаб, ички бир туйғу билан мутолаа қилиш керак. Ёзувчига муносиб ўқувчи керак. Ёки бир асарда ёзганидек, ўз муҳити учун даҳшатли фикрга миллионлаб кишиларни тайёрлаш мақсадида бир нечта

«қизил» қиссалар ёзишга ҳам мажбур бўлган кўри-нади...

## ЯХШИ СЎЗ — ЖОН ОЗИҒИ

Жуда кузатувчан, зийрак, одил кишиларни ҳам кўп учратганман. Қайси бир ёзувчи, шоир, сўз устаси, заҳматкаш ижодкор билан учрашмай, уларнинг акам ҳақида гапириб, ўз ижодига меҳрибон ва ғамхўр бир боғбон сифатида муносабатда бўлганлигини самимий илиқ сўзлар билан тилга олганликларини неча бор гувоҳи бўлганман. У киши катта давлат иши билан бениҳоя банд бўлишига қарамай, турли тоифадаги ижодкорлар, айниқса ёш шоир ва ёзувчиларнинг асарларини қунт билан ўқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини айтишга вақт топар эди. Бу ғамхўрликка жавобан ёш ижодкорлар ёруғлик юзини кўрган асарларини Ш. Рашидовга дастхат ёзиб тақдим этишарди. Чоп этилган ишларини йўллаган айрим ижодкор ёшлар биринчи котиб ҳузурига таклиф қилиниб, у кишининг миннатдорчилигини оларди.

Таниқли ёзувчи, моҳир таржимон Муҳаммад Али қадимги ҳинд достони «Рамаяна»ни ўзбек тилига ағдариб, 1978 йили бир нусхасини Шароф акамга тақдим этади. Шароф акам асар таржимаси билан танишиб чиққанидан сўнг қувониб кетади ва таржимонни ҳузурига чақириб, унга дастхат ёзилган қалам инъом этади. «Мен бунини,— деб эслайди Муҳаммад Али,— сенинг салоҳиятингга ишонч билдириб қўлингга қалам тутдим. Ҳозир айни меҳнат қиладиган пайтинг. Шундай қилсанг, бошқа ҳаммаси муҳайё бўлаверади, деб тушундим».

Якшанба кунларидан бирида акам билан ҳовлида сайр қилиб юрган эдик. «Мени танқидчиларимиздан икки киши тан олмайди», деб қолдилар гап орасида. Мен айтдимки, Муҳаммад Алига олтин қалам тақдим этган экансиз, ҳамманинг оғзида дув-дув гап. Уша танқидчиларга ҳам шундай қалам тақдим этсангиз, улар ҳам Сизни хуш кўрармиди... У киши хуш-хандон: «Сен мен билан ҳазиллашмаяпсан, қалам танқис нарса, ҳаммага берилавермайди»,— дея яна завқланиб кулди. Каттами кичикми, ўзининг эзгу ишлари билан хушнуд этган одамларга бирон хотира ёки китоб тортиқ қилиш у кишига хос бир одат эди.

Марҳум Насрулло Охундийнинг бир воқеани ҳикоя қилиб бергани кечагидек эсимда: улар ҳозирги Қўлёзмалар илмгоҳининг собиқ директори Ҳамид Сулаймон билан саркотиб қабулхонасида учрашиб қоладилар. У

кишининг ҳузуридан чиққан дўстлар бирга суҳбатлашиб кетишади. Охундий Ҳамид акадан: «Домла, бўримисиз, тулкимисиз?»— деб сўраганида, у ғоят мамнун ҳолда дейди: «Азим чинорни илдизи билан суғуриб ташлайдиган бир куч билан чиқдим!»

Адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг умр йўлдоши Кибриё опанинг эслашларича, Шароф Рашидов Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмасининг мажлисида ўзи иштирок этиб, «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси учун муаллифни Ҳамза мукофоти номзодлигига тавсия этган. Шунингдек, адибнинг таваллудига 70 йил тўлиши муносабати билан марҳумнинг қабрига ёдгорлик (бюст) ўрнатишни сўраб мурожаат этганида, шу заҳотиёқ опанинг кўз ўнгида Оқил Салимовга қўнғироқ қилиб, бу ишни зудлик билан, бир кечадаёқ амалга оширишни топширган (1992 йил 28 февралда Кибриё Қаҳҳорова билан бўлган суҳбатдан).

Ш. Рашидовдаги унча-мунча одамларга насиб этмаган фазилатлардан бири — инсонга ишониш, инсонни улуғлаш, икки оғиз ширин сўз билан ўз суҳбатдошини қайта кашф этгандай, сеҳрлаб, қалбини тоғдек кўтариб, илҳомлантириб юборувчи жозиба кучи эди. Буни у кишидаги энг ноёб фазилатлардан бири деб биламан. Қуйидаги бир воқеадан ҳам буни билиб олса бўлади:

Кунлардан бирида акам қўлтиғида даста-даста рўзнама-ю ойномалар билан, хаста одамдай, ҳорғин, қандайдир синиқ ва маъюс ҳолда ишдан қайтди. «Тобингиз қочдимми»,— деб сўраганимизда: «Йўқ, бугун қиличдек-қиличдек ўғлонларимиздан икки юзгасини Афғонга жўнатдик. Улар олов кечишга кетяпти. Қанчаси ўз ватанига, ота-онаси бағрига қайтиб келишини Қодир Эгамнинг ўзи билади. Масковдаги раҳбарларимизга қанчалик илтижо қилмайлик, ҳеч қандай натижа чиқмади»,— деди-ю, кўзида ёш қалқиди.

Шахсан менга у кишининг ота ўрнида ота бўлиб, бошимни силаб, йўлчи юлдуздай йўл кўрсатиб, меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилиб келганлигини айтиб ўтайин. Акам Самарқандда ишлаб юрган кезларида ҳам, сўнг Тошкентга ишга келгандан кейин ҳам — талабалик йилларимда бу мўътабар даргоҳда яшаб тарбия топганман, мустақил ҳаётга қадам қўйганимдан кейин ҳам шу қутлуғ хонадон билан узвий алоқада яшаб, сабоқ олиб келганман. Умуман, ҳаётда нимага эришган бўлсам, буларнинг барчасида акамнинг ҳиссаси беқиёс. Мен меҳнат қилишни акамдан ўрганганман. Баъзи яқин дўстларим илмий ишимнинг чўзилиб кетганлигини акам

билан ҳам боғлайдилар. Бу, бир томондан, тўғри. У киши диссертация баҳона ўз устида ишласин, қаламини чархласин, илмнинг ичига кирсин деган маънода эрк ҳам бериб қўйганди. Аслини олганда, қўлёзмаларимнинг ҳар бир сатрини синчковлик билан кўздан кечирар, ҳошияларига эринмай ёзар, қимматли маслаҳатлар бериб, ҳар гал учрашганимизда ишнинг қай аҳволда эканлиги билан жиддий қизиқар, уни иложи бориचा тезлаштириш зарур эканлигини айтиб ҳамиша ғамхўрлик кўрсатиб турар эди. Бу ўринда у кишидан менга бир умрга ёдгорлик бўлиб қолган мана бу мўътабар дастхатни келтирмоқчиман:

«Укам Асилжон! Сен билан узоқ суҳбатлашгач, ўзимда йўқ шод бўлдим. Чунки илмий ишларинг жуда самарали бўлмоқда. Узоқ йиллар мобайнида қилинган ҳалол ва фидокорона меҳнатинг ўз самарасини бермоқда.

Кандидатлик диссертациянинг ВАҚда яқдиллик билан тасдиқланибди. Гувоҳномасини сенга юбориш билан чин дилдан бахтлиман.

Таржима қилган қиссалар устида сўз боргани эсимда. Тезда чиқариш юзасидан ўртоқлардан илтимос қилдим.

Укам! Докторлик ишингга зафар тилайман. Адабиётимизда ишчи образи тасвири, меҳнат тасвирини ишладан ҳам савобли иш борми? Ҳамиша сиҳат-саломат бўлгин! Ҳамиша ишинг баракали бўлаверсин!

Ҳурмат ва эҳтиром билан: имзо. 21. VII. 81».

Мен бўлсам, ҳимоя қилиш бир гап бўлар, аввал мазкур мавзунини маълум бир нуқтага етказиб қўяй, деган мақсадда шошилмасдан ишлайверганман. Кейин билсам, чучварани хом санаган эканман. Иш энди поёнига етиб, ҳимоя қилиш олдида «рашидовчилик» авжига минди. «Қолган ишга қор ёғар» деганларидек, ҳимоя «ҳимояда» қолиб кетди. Лекин, барибир, нима бўлганда ҳам, акамнинг ёрқин сиймоси, кўрсатган раҳнамолиги ҳамиша бир қуёш каби қалбимни иситиб, нурлантириб туради.



Укам Рашидов!

Сен билан узрак суҳбатларимизда, унда  
2008 илнинг бўлиши. Ушунга келиб  
ишларнинг ҳақиқатини салтанатини  
бўлишида узрак ишлар илҳомини  
Қўлингизга қўйиб ва Ҳидоятини  
ишларнинг ўз рашидовини  
бўлишида.

Кандидатлик диссертацияси ВАҚ  
Академик билан тақдирини.  
Ўзбекистоннинг сени илҳомини билан  
сени дунёда бахтибон.

Таржиман Қўлингиз илҳомини  
ўз бергани ҳақида. Ҳақиқатини  
2008 илнинг ушунга келиб  
Қўлингиз

Қўлингиз илҳомини  
билан:

Рашидов

2008 йил 31

Укам! Доктарлик илҳомини  
ишларини. Ҳақиқатини билан  
Тақдирини илҳомини  
Ҳақиқатини билан бергани?  
Ҳақиқатини билан билан  
Ҳақиқатини билан билан

III. Рашидовнинг дастхати.

## «ҲАСАД ЭМАС, ҲАВАС ҚИЛИБ ЯШАНГ!»

Бундай воқеаларни эслаётганимнинг боиси Шароф акам ўзига мурожаат этган кишиларга аввало одамгарчилик ва меҳр-шафқат юзасидан ёндашиб, муомала қилганини қайд этиш. У киши билан чиқишмаган айрим ёзувчиларни қўяверинг, ҳаётлигида унинг мурувватидан баҳраманд бўлган айрим ижодкорлар ҳам, қарангки, акам вафотидан сўнг тескари йўл тутишди: «Совет Ўзбекистони санъати» журналида ишлаб юрганымда,— деб ёзади Нурали Қобул «Ешлик» ойномасининг 1987 йил 9-сонига,— истеъдодли шоиримиз Хуршид Давроннинг Абдулла Қаҳҳорга бағишланган шеърини чоп этдик (1979 йили эди). Сарлавҳа остида «Грузиянинг Қўлтураби шаҳрида Абдулла Қаҳҳорга ҳайкал қўйилди», деган жумла бор эди. Журнал муштарийларнинг қўлларига бориб етгач, мени Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўша пайтдаги биринчи секретари ўз ҳузурига чақиртирди. У хонасига кирар-кирмасимдан: Нега «Санъат» журналида шеър босасан, шундан бошқа ишинг йўқми,— деб журнални башарамга қаратиб отиб юборди. Мен ёшлик қилдимми, қўрқдимми, билмадим, лекин унга кўнглимдагидек жавоб қайтара олмадим. Кўнглимдаги жавобни эса устоз Абдулла Қаҳҳор худди ўша биринчи секретарнинг юзига қараб туриб, 1968 йили Навоий театрида 60 ёшга тўлиши муносабати билан ўтказилган юбилей кечасида айтган эди:

— Мен партиянинг солдати эмас, онгли аъзосиман. Лекин мен лом-мим дея олмадим. Нима дейман, бари бефойда эди. Ер билан битта бўлиб, «ҳаммамиз учун ҳурматли бўлган» раҳбар ҳузуридан чиқдим. «Солдат-

лар» эса каминани зиқновга ола бошлашди. Шундай йўсида улар ўзларини энг катта СОЛДАТга садоқатли эканликларини исботлар эдилар. Лекин биз ҳам ўзимизнинг ишимизни адо этгандик».

Бу қуруқ сафсата, уйдирма гап. Шароф Рашидов бировларга қарата бирон нарса улоқтириш у ёқда турсин, ҳатто овозини кўтариб муомала қиладиган ёки кўнглида кек сақлаб қовоқ уядиганлардан эмас эди. Аксинча, табиатан фариштадай бир инсон эди, доимо катта-ю кичик билан очиқ чеҳра, илиқ табассум билан қучоқ очиб кўришарди. Қолаверса, ёзувчи, моҳир сўз устаси сифатида Абдулла Қаҳҳорга ҳурмати бор эди акамнинг.

Шундай бўлса-да, Абдулла Қаҳҳорнинг 80 йиллик таваллудида санъаткор ижоди бир ёқда қолиб, адиб шахсини Шароф Рашидовга қарши қўйиб тавсифлаганлар ҳам бўлди. Ш. Рашидов эса А. Қаҳҳорга нисбатан камоли инсонийлик юзасидан, раҳбарлик бурчини унутмаган ҳолда муомалада бўлган эди.

Ҳар бир даврга баҳо берганда, ўша замон шароитини ҳисобга олиш лозим. Бу тўғри, албатта. Аммо, барибир, гуноҳ гуноҳлигича қолади. Уни ҳар қанча хаспўш-лашга уринилмасин, тарих кечирмайди. Мард инсон бошига қилич келган тақдирда ҳам ўз эътиқодидан қайтмайди. Ҳаётдан кетса кетадики, гуноҳдан ўзини тияди, қабиҳликка бормайди.

Хуллас, айрим улкан ёзувчиларимизнинг жувонмарг этилишида, афсуски, баъзи адибларнинг ҳам қўли борлиги эндиликда ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Хўш, унда Нурали Қобул нега бундай дилозорлик, ноқобиллик қилди? Эл отасига нисбатан бетга чопарлик қилди? У кимларнингдир тегирмонига сув қўймоқчи, хушомад қилиб яхши кўринмоқчи бўлди.

Акам ҳақида ёзаяпману, тепамда унинг арвоҳи тургандай. Афсуски, ҳамма гапни айта олмайман. Ким бўлишидан қатъи назар у бировнинг хотирасини ранжитишни сира-сира истамасди. Ҳатто, ўз ғанимининг ҳурматини ҳам жойига қўя оладиган маданиятли инсон эди у. Шудай экан, гина-кудуратнинг мавридими ҳозир, деб сўрарсиз? Ҳа, айни мавриди. Истайманми-истамайманми, гоҳо марҳумларнинг ҳам номини тилга олишга тўғри келади. Начора, у марҳумлар ҳам бир пайтлар марҳум акамнинг хотирасига очиқдан-очиқ тухмат қилган эдилар-да.

## ГУМОН ИМОНДАН АЙИРАР

Отаси Акмал Икромов ҳақида ёзган романида ўрусийзабон ўзбек ёзувчиси Комил Икромов фавқулодда мунофиқлик қилиб (акам тириклигида унга «маънавий отам» деб сиғинар эди!), Шароф Рашидовлар сулоласи ҳақида ўта беандишалик билан шундай ёзган: «Отаси чор ҳукуматининг соқчиси бўлганини Рашидов яширади. Фалокат унинг бу ва яна бошқа баъзи нарсаларни яширганида ҳам эмас, балки у ёлғон ичида ёлғон ҳаёт кечирганида. Улуғ Ватан уруши йилларида Рашидов сирли бир ҳолатда ҳаш-паш дегунча армиядан қайтди, унинг жангдан қочганлиги ҳақида жинорий иш ҳам қўзғатилган ва бу иш бирданига ёпиб юборилгани ҳақида гап-сўзлар ҳам юради. Лекин булар миш-мишлар. Бу миш-мишларни текшириб кўриш жуда душвор, деб ўйлайман. Чунки ҳужжатларнинг изини ўчириш ва шохидларнинг ёстиғини қуритишда у етарлича имкониятга эга эди-да. Ишқилиб, мен тилга олаётган гапларда жон бор. Рашидов учун юсак амал курсида ўтириб қилган кирдикорлари олдида ўз келиб чиқиши ва ҳарбий қочоқлигини яшириш ҳеч гап эмас, хамирдин қил суғургандай бир иш. Мабодо, бу гаплар тасдиқланса, Рашидовга, унинг аъмолига муносабатни ўзгартириб бўлсиз («Знамя» ойномаси, 1989, 6-сон, 82-бет).

1991 йил мазкур асар («Путь моего отца») «Советский писатель» нашриётида алоҳида китоб ҳолида чоп этилган бўлиб, ундаги алмойи-алжойи «миш-мишлар» қисқартириб ташланган.

Ўйламай гапирган оғримай ўлар деганларидек, К. Икромов бу манфур сўзлари учун судга берилиши олдида, 1989 йилнинг 3 июнида бандаликни бажо келтирди. Шуниси борки, бу гаплар сўнгги пайтларда бир қултум ароқнинг қули бўлиб қолган Комилнинг уйдирмаси ҳам эмас эди. Булар, аслини олганда, у билан оғиз-бурун ўпишиб, ҳамтовоқ бўлиб юрган «маҳаллий» гумашталари, Ш. Рашидов билан тиригида ҳам, ўлигида ҳам курашиб келган бир-иккита ювиқсизларнинг қабих тухматидан бошқа нарса эмас. Тошкент вилояти фирқасининг собиқ ходими Вали Усмоновнинг 1964 йилда вилоят фирқа конференциясида Ш. Рашидов шаънига қарата сўзлаган «классик» нутқи ҳам (бу нутқни ўз ташаббусим билан сўзлаганман дейди у) ана шу гумашталар хизмати маҳсули эди. Хуллас, К. Икромовнинг бўҳтонлари бангхонадан чиққан нашаванднинг алаҳси-

рашига ўхшаш бир гап. Аввало, Комил Икромовнинг жанг майдонларида ватан шаънини ҳимоя қилган акам Шароф Рашидов ҳақида ёзишга умуман маънавий ҳаққи йўқ эди. Шунинг учун бу «айбнома»ларга ҳозир батафсил жавоб ёзиб ўтиришнинг ўзи беҳуда. Шундай бўлсада, икки оғиз маълумот. Отамиз Рашид Халилов етти пушти деҳқон бўлиб, суяги меҳнатда қотган, умри қора меҳнатда ўтган бир одам эдилар. Бунинг у туғилиб ўсган Жиззах туманининг Совунгарлик қишлоғида (ҳозирги Хамроқул Носиров жамоа хўжалиги) яшовчи қариялар жуда яхши билишади. Ака-ука Шароф ва Саҳоб Рашидовлар айни қиёмат-қойим уруш даврида — 1942—1944 йилларда ҳаракатдаги армия сафида, қонли жангларда қатнашишган ва жанг майдонидан ярадор бўлиб қайтишган. Уларнинг кўкрак тўла жанговар мукофотларининг бир бошдан санасам, баъзи асаби султандаримизнинг яна хотиралари ранжида бўлишидан кўрқдим.

Темур Пўлатовга келсак, у миш-мишларни ихтиро этишда Комил Икромовдан ҳам ошиб тўшди. Чунончи, Шароф Рашидов вафотидан сўнг Темур Пўлатов сурбетларча адибнинг асарларини бировлар ёзиб берган, деган гапларни тарқатди. «Огонёк» ойномасининг 1988 йил 29 июль сонидagi «Миллат отаси»нинг паноҳида» мақоласида «...Матбуотда мудом Рашидовни кўкларга кўтариб мақтаб ёзишганига қарамай, дейдиларки, ҳатто мана шу ўртамиёна асарларни ҳам унинг ўзи ёзмаган эмиш... 1982 йилда жумлайи жаҳонга жар солиб, бизнинг «етакчи ёзувчимиз» китобхонларнинг димоғини чоғ қилиш ниятида янги асар — «Дил амри» қиссасини битганлигини айтишди. Рашидовнинг ишончини қозонган бир тўда ёзувчиларни Марказқўмга «муҳокамага» чақиришди, уерда яқдиллик билан нодир асар дунёга келганлиги эътироф қилинди. Ўзбек ойномасида «Дил амри» чоп этилиши биланоқ Рашидовнинг «адабий қўшалогини» ким экани ҳақида гап-сўз тарқаб кетди. «Миллат отаси»нинг қиссасига унинг асарларидан кўчиб ўтган мавзулар, образлар, иборалару жумлаларни қидириб топишди. «Кичик ер» асарининг (Л. И. Брежнев китоби ҳақида гап бормоқда — А. Р.) ҳақиқий муаллифи ким бўлганлигини топишгани сингари, матнларни пухта тадқиқ этиш натижасида, Рашидовга нисбат берилиб келинаётган асарларнинг ҳам муаллифини аниқлаш мумкин».

Мен бир адабиётшунос сифатида унинг илк ижодидан тортиб то сўнгги йирик асари — «Дил амри»гача та-

лабалик йиллариданоқ мунтазам равишда кузатиб, таҳлил ва тадқиқ этиб борганман. Барча қўлёмалари-ю, бу дастхатларнинг турли нусхаларини (улар тўла сақланмоқда!) кўздан кечирганман. «Дил амри» қиссаси ҳақида миш-мишлар тўқишда устаси фаранг қаламкаш Темур Пўлатов ўз «буюртмачиси»дан қанча қалам ҳақи» олдийкин?

Марказий ва ўзимизнинг матбуотдан кўриб, билиб турибмиз. Темур Пўлатов сингари баъзи бир ёзувчилар охир-оқибатда бетайин «байналмилал» хатти-ҳаракатлари билан собиқ СССР Ёзувчилар Уюшмасининг ҳам сафларини парчалаб юборишга ўз улушларини қўшдилар. Шароф Рашидов асарларига баҳо беришда қуюшқондан чиқиб, ўта андишасизлик билан фикр юритган К. Икромов, Т. Пўлатовларнинг сафига Ҳ. Ғулом, Саид Аҳмад, У. Умарбеков, М. Қўшжонов, Н. Худойберганов сингари ёзувчи ва адабиётшунос олимларни ҳам кириштиш мумкин.

Маълумки, Шароф Рашидов ўз ижодини катта жумҳуриятини бошқаришдай ўта мураккаб иш билан олиб борган. Башарти, ўз сафдошлари, катта ёзувчилар қатори соф ижодий иш билан машғул бўлганида, аминманки, қанчадан-қанча нодир асарлар қолдирган бўлар эди. Шусиз ҳам ўзбек адабиётида унинг ўз муносиб ўрни бор. Ҳеч нарса ёзмай, юрак қўри билан яратган биргина «Қашмир қўшиғи»ни ёзиб қолдирганда ҳам номи адабиётимиз тарихида умрбод қолар эди. Афсуслар бўлсинки, бир инсон умр бўйи яхшилик экиб, эвазига туҳмату маломатлардан ҳосил кўтарса-я! Биргина «Қашмир қўшиғи» 56 тилга ўгирилган экан, наҳотки акам бутун дунё адабиёти намояндаларини, чунончи, ҳинд, араб, япон, венгер...ноширларини ҳам «сотиб олган» бўлса?.. Ҳар қанча ҳурмат қилсамда, мен бу хил ёзувчиларнинг ва шуларга ўхшаш «холис хизмат»ни қилиб қўйиб, эндиликда яна мадҳиябозликка ўтиб олган адилларнинг адиблиги-ю, мунаққид адабиётшунос олимларнинг олимлигига ишонмайман. «Ҳасад эмас, ҳавас қилиб яшанг!» деган эди бир ўринда раҳматли акам.

Мен 1947—1950 йиллари акамнинг хонадонида истиқомат қилганлигим ва кўп ҳолларда бирга бўлганлигим боис у кишининг ҳаёт тарзи ва ишларидан яхши огоҳман. «Қизил Ўзбекистон» рўзномасидаги фаолияти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги ижодий мулоқотлар, мунозаралар, олий фирқа мактабидаги ўқитувчилиги-ю



Ш. Рашидов Тошкент метроси бекаатларидан бирида.

мураббийлик юмушлари, ҳар куни тўрт-беш жойда ўтказиладиган расмий, норасмий тадбирларда иштирок этиб маъруза қилишлар, иш куни тугагандан сўнг эса турли чопархоналар (алоқа бўлимлари), давлат идораларига тўпланишиб, жумҳуриятнинг барча вилоятларию туманлараро қанчадан-қанча хўжалик раҳбарлари билан ярим тунга қадар овознигор-муноқаша (радиоперекличка) орқали ўтказилган мусоҳабалар... Хуллас, қушмижоз уйқу-ю қушмижоз тановвул этувчи бу инсон шу зайдда тунни кунга, кунни тунга улаб, алпдай ишларди.

Акам муҳаррирлик ишларини ана шу юмушлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб борарди. 1954 йили Тошкент дорилфунунини тамомлаб, «Қизил Ўзбекистон» рўзномасига йўлланма билан хизматга келган кунларим адабиёт ва санъат, маданият ва олий ўқув юртлари бўлимларида адабий ходим ва бўлим мудирини бўлиб ишлаб юрар эканман, рўзнома ходимларининг барчаси акамнинг ўзига хос фазилатларини тилга олиб, таҳририят ва босмахона аҳлига нисбатан ўта ғамхўрлигини, катта-ю кичик ҳар бир ходимнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб, уларнинг маънавий дунёсига кириб, ҳатто онла аъзолари билан иноқлашиб кетганлигини ҳанузга қадар мамнуният билан такрор-такрор тилга оладилар.

Дарҳақиқат, мазкур рўзнома у кишининг жон-дилдан севган қадрдон ҳамроҳи бўлиб, маънавий ҳаётида, камолотида бир босқич бўлиб қолганлигини ўзи ҳам қувонч билан сўзлаб берарди.

Акам худди шу йиллари — «Қизил Ўзбекистон»да ишлаб юрганида ҳамда олий фирқа мактабида матбуот назарияси ва амалиётидан сабоқ бериб юрган кезлари рўзнома чоп этиш техникаси билан айниқса жиддий шуғулланади. У кишининг рўзномада бош мақола, партия турмуши, адабиёт ва санъат, маданият, қишлоқ хўжалиги масалалари, адабий танқид, тиниш белгилар, қолип (макет), рукн каби мавзуларда олиб борган тадқиқотлари қўлимда тўла сақланмоқда. У киши муҳаррирлик қилган йиллари рўзноманинг ҳар бир сонини мусаҳҳиҳ ва навбатчилар неча бор назар-эътиборларидан ўтказиб имзо чеккунларича уч-тўрт бор синчковлик билан ўқиб чиқар экан. Хуллас, матбуот ходимларининг айтишларича, «Қизил Ўзбекистон» рўзномасининг бу йилларда нашр этилган сонлари ҳанузга қадар катта бир мактаб бўлиб қолган.

Яна бир гап Ш. Рашидовнинг ўзи севиб ардоқлаган



йирик асари — «Ғолиблар» хусусида. Бу қисса ҳам вақт ниҳоятда тифиз, бош қашишга қўли тегмаган худди ўша кезларда ёзиб тугалланди. Қиссанинг ёзилиш жараёни каминанга жуда таниш. Гўё кўз ўнгимда ёзилгандай. Рўзнома ишлари-ю бошқа барча юмушлардан барвақтроқ қутулиб келиб, ёзишга тутинган пайтлардан мен талаба ҳам аксарият акамнинг ҳузурда (улар бу йиллари Олой бозорининг шундай ёнгинасида, В. Н. Финкельштейн кўчасида яшашарди) семинар машғулотларига тайёргаралик кўриб, тонггача чидам билан ўтиришда у кишига таассуб қилмоқчи бўлардим. Бироқ соат икки-учларга бориб уйқу мендан зўр чиқиб ўтирган жойимда уйқуга кетардим. Эрта тонгда турганимда эса у кишини ҳамон қоғоз устида ўтирганини кўрардим — «Ғолиблар»-ни ёзарди! Хуллас, асарнинг ёзилиш тарихи ўзи бир мўъжиза. Шу боисдан бўлса керак, акам бу тўнғич асарини алоҳида меҳр билан, тез-тез тилга олар эди.

Акам катта-кичик ишлар билан банд бўла туриб асар ёзишга улгурар, бунинг устига яна қанчадан-қанча бадий асарларни ўқишга ҳам имкон топар эди. Чунончи, у севган адиблари А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» ва К. Паустовскийнинг «Серташвиш ёшлик» романларини йўл-йўлакай иш орасида бир ҳафтага етар-ётмай ўқиб чиққанининг шоҳидиман. Бадий асарларни мутолаа қилишгина эмас, шу билан бирга, унинг ижтимоий, тарбиявий ва маърифий аҳамияти мислсиз экани, инсонни гўзаллик, нафосат билан ошно қилишда, эзгу ниятлар руҳида тарбиялашда санъатнинг бирон тури у билан тенглаша олмаслиги ҳақида кўп марта лаб сабоқ берар эди. Шунингдек, у киши китобни варақлаш, унга тикилиш, бу — китоб ўқиш дегани эмас. Китобни синчковлик билан теран тушуниб, мағзини чақиб ўқиш кераклигини уқдирар эди. Бу сабоқлар, беихтиёр, машҳур мураббий В. А. Сухомлинскийнинг қуйидаги сўзларини ёдга солади: «Китоб ўқимаслик натижасида бой берилган нарсанинг ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди. Агар болада китобни севиш, унинг қадрига етиш ҳисси ўз вақтида тарбияланмас экан, кейин бу ишни амалга ошириш жуда-жуда мушкул бўлиб қолади».

Акам завод, фабрика, жамоа ва давлат хўжаликлари, болалар боқчаси, қўйингки, қайси бир соҳа меҳнат аҳли билан учрашиб суҳбатлашмасин, аксарият, уларнинг қандай бадий асар ўқиганлиги билан қизиқиб улар билан шу хусусда савол-жавоб қиларди.

У кишининг ҳикоя қилишича, аллақайси бир туманда бўлганида, туман фирқа ташкилотининг биринчи ко-

тиби акамни янги асар ёзганлиги билан қутлайди, ҳаддан ошириб, тилёғламалик қилади. У киши одатда ким қайси асарни ўқиётганлиги ёки қайси кинофильмни томоша қилаётганига кўзи тушиб қолса, дарҳол мазкур асарнинг ёки кинофильмнинг номини, муаллифини, иштирок этувчи қаҳрамонларини сўрарди. Акам худди шунинг сингари котибдан: «Қайси асарни ёзган эканман?»— деб сўраб қолади. Котиб хиёл сукут сақлагандан сўнг: «Фарҳод ва Ширин»ни ёзгансиз»,— деб каловланиб жавоб беради. Кейин маълум бўлишича, котиб ўша кезлари оғиздан-оғизга ўтиб, халқ орасида оммавийлашиб кетган «Қашмир кўшиғи» қиссасини назарда тутган экан!

Юқоридаги мулоҳазалардан Ш. Рашидов ҳаётнинг нашъу намоларидан, ҳузур ҳаловатидан бутунлай йироқ, бебаҳра, завқ-шавқсиз яшаган эканда, деган хулосага келмаслик керак, албатта. Акам ҳамма ишга улгургани сингари, дам олиш соатларида сайр қилишга ҳам, биллиард ўйнашга ҳам, стадионда футбол кўришга ҳам, «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси уюштирган мотокросс, қовун сайилига ҳам, дала ҳовлида оила аъзолари билан бир йўла икки-учталаб кинофильмларни томоша қилишга ҳам вақт топарди.

Тўғри, фаолиятининг кейинги йилларида, ишнинг кўплигидан бундай юмушларга имконияти камаю борган эди.

Акам муҳаррирлик қилган йиллари «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси уюшмаси оталигидаги жамоа хўжаликларига, жумладан, Дўрмондаги Абдужамил Матқобулов, Янгийўлдаги Абдулла Ортиқов, Қорасувдаги Музrab Камолов сингари дарғалар бошқарган ва жумҳуриятга донг таратган «Қизил Ўзбекистон», «Ленинизм», «Ворошилов» каби машъал хўжаликларга бола-чақалари билан пахта теримига, қовун сайилига ташриф буюриб туришарди. Бундай гаштли йиғинларда кўп марталаб иштирок этиш каминага ҳам nasib этган.

1949 йилнинг октябрида «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси жамоаси оталиқдаги «Қизил Ўзбекистон» колхозига пахта теримига чиқишганда акам мени ҳазиллашиб мусобақага — теримда ким ўзарга таклиф этгани ёдимда. Махсус автобусда дала йўллари бўйлаб белгиланган манзилга етиб боришимиз билан жамоа аъзолари қучоқ очиб кутиб олишди. Муҳарририят уюшмаси неча йиллардан буён мазкур хўжалик жамоаси билан бир оиланинг аъзоларидек апоқ-чапоқ бўлиб кетишганидан воқифман.

Муҳаррир барча билан бирма-бир салом-алик қилиб бўлгандан сўнг, дарҳол белига этак боғлаб, бисмилло деганча, бодроқдек очилган пайкаллар сари одимлай кетди. Муҳаррирнинг саъй ҳаракатидан завқланган каттаю кичик сафдошлар, шу жумладан, булар ичида Зиёд Есенбоев, Шобарот Кузанбоев, Назармат Эгамназаров, Абдурахмон Ортиқов, Мақсуд Қориев; марҳумлардан Рихси Сахибоев, Баҳром Раҳмонов, Раҳмат Файзий, Ҳабиб Нўъмон, Шоаҳмад Шораҳмедов, Салоҳ Ҳасан, Холбек Ёдгоров, Аҳмад Исмоилов, Нўъмонжон Ғуломов, Ҳотам Икромов каби ажойиб инсонлар, забардаст журналистлар бор эди. Теришга қанчалик иштиёқи, кўникмаси бор-йўқлигидан қатъи назар, ҳеч бир такаллуфсиз ишга киришиб кетилар, ҳамманинг қалбида қувонч, чеҳрасида севинч порларди. Болаларнинг алёр айтиб далани бошига кўтариб қийқиришлари, хотинқизларнинг лапар айтиб, хандон уриб кулишлари, эркакларнинг ҳазил-мутойиба, ичак узди аксиялари далани янграиб, кишига завқ бағишлаб, ажиб бир манзара касб этарди. Ҳатто тушликка чиқиш ҳам эсдан чиқиб кетарди. Хуллас, терим катта бир байрамга, катта бир сайилга айланиб кетарди. Бунақа аҳил, иноқ, самимий, садоқатли дўст-у биродарлар даврасини умримда кўрмаган бўлсам керак. Ниҳоят терим сўнггида биринчиликни кўлдан бермаган машъаллардан (уларнинг кўпчилиги 80 килограммдан ошириб теришарди) масъул муҳаррир Гулсум опа Мингалиева, Саида опа Муҳамедова, Раҳмат Файзий, Ҳабиб Нўъмон, Назармат Эгамназаров, Мирлатиф Миртемиров (Бег ака), Сиддиқ ака Юсуфжонов каби «чевар теримчилар» меҳнат шодиёнаси, зафар байрами билан астойдил олқишланар эдилар!

### ЭЛ ЭЛГА ҚУШИЛСА — ДАВЛАТ...

Акам дунёдан ўтди. У киши билан бутун бир руҳий дунё кетди... Шароф Рашидов ҳақида вафотидан кейин ўтган етти-саккиз йил ичида матбуотда ёзилган гапларнинг кўпи тахминий гаплар, миш-мишлар, сафсата, ёлғон-яшиқ тухмат ва бўҳтонлардан иборат. Мен, очиғи, акам билан фахрланаман. Акамнинг тутган йўлини мен тута олмайман, албатта. Ҳар кимнинг тақдири ўзи билан. У киши сингари ўз муҳолифларига нисбатан бу қадар бардошли, сабр-тоқатли бўлиш қўлимдан келмас. Кимки унга ёмонлик соғинса, у ўша кимсага нисбатан яхшилик қилишнинг жуда нозик йўлларини билар эди.

Ҳеч бир раҳбар «СССР» аталмиш баҳайбат қизил аждар комидан ўзбек халқининг туз-насибасини унинг-чалик тортиб ололмаган. Мен яқин ўтмиш ҳақида куйниб гапирдим. Акамнинг юрак-бағрини лола каби доғлаган нарса бошқа барча иллатлар билан бирга, оқ пахта атрофида тўқилган қора қурум бўлди. Илоҳим, бундай ўтмиш зинҳор қайтиб келмасин.

Дунёда яхши одамлар ҳам кўп. Тўғриси айтганда, акамнинг ғанимлари кичкина одамлар эмас эди. Ана шундай қалтис бир вазиятда Шароф Рашидовнинг пок номини тиклаган бир инсон — президентимиз Ислом ака олдида таъзим қиламан. Имонини ютмаган, инсофли, тўғри сўз инсонлар Шароф Рашидовга унинг ҳаёт эканлигида қандай муносабатда бўлган бўлсалар, вафотидан сўнг ҳам ўзларининг тўғри, холис фикрларида собит бўлиб қолдилар. «Об-ҳаво»га қараб турланмадилар. Булар: Комил Яшин, Ҳомил Ёқубов, Шукрулло, Малик Қаюмов, Саидкарим Зиёдуллаев, Нормухаммад Худойбердиев, Мурзамаҳмуд Мусахонов, Шароф Убайдуллаев, Эркин Юсупов, Саид Шермухамедов, Рашид ака Ашуралиев, Бектош Раҳимов, Аҳмаджон Одилов, Зоҳиджон Обидов, Аҳмаджон Мелибоев, Азиз Тўраев, Ғайбулла Саломов, Баҳриддин Насриддинов, Ҳафиз Абдусаматов, Маҳмуджон Нурматов, Наим Каримов, Нормурод Назруллаев, Исмоил Сулаймонов, Бобомурод Даминов, Назрулла Шодиев, Салоҳиддин Мамажонов, Умарали Норматов, Турсунбой Холматов, Акрам Иномов ва бошқалар. Уларнинг сафида мен марҳум ҳазрати инсонлардан: Обид Содиқов, Саъди Сирожиддинов, Раҳмат Файзий, Туроб Тўла, Худойберди Дониёровни ҳам кўраман.

Акам шахс ҳаётининг мазмуни, бахти, равнақи унинг халққа, ватанга чин кўнгилдан ва жон-дилдан хизмат қилишида деб билди ва ана шу олижаноб орзу-ниятлар оғушида яшади, курашди, ижод қилди ва халқ дилида бир умрга ўчмас из қолдирди.

Ота-онанг ўлса ўлсин, ота-онангни кўрганлар ўлмасин деган гап бор. Акамнинг яхшилиғини ҳам, ёмонлигини ҳам Холиқ ва халқ билади. Унинг меҳнати ва заковатидан эл-юрт баҳраманд бўлди. Шароф Рашидовнинг инон-ихтиёридан ташқари содир бўлган баъзи бир ишлардан жабр кўрган ҳам, аслида, халқ бўлди. Лекин мушфиқ одамларимиз унинг яхшилигини унутмаган экан. Меҳнаткаш эл-улус қалбига йўл топа олган, унинг дил-дилидан мустаҳкам ўрин олган экан Шароф акам.

Хайрият, мана энди она Ватанимиз узра озодлик насими эсмоқда. Тоғдай армоним: қанийди, менинг акам ҳам тирик бўлса-ю, бугунги Истиқлол диёрида ўз жонажон халқи, дўст-у ёронлари қатори яшаса, эркин нафас олса. Мана, Динмуҳаммад Қунаев, Ҳайдар Алиев, Эдуард Шеварднадзе ва яна бошқа ўнлаб тенгқур сафдошлари, тақдирдошлари ҳаёт, ўз халқининг миллий мустақиллиги йўлида кураш олиб боришмоқда. Аминманки, акам Шароф Рашидов ҳаёт бўлганида ҳеч бир иккиланмай, комил имон билан мустақиллик йўлини қучоқ очиб кутиб олган ҳолда унинг олдинги сафларида юрган бўлар эди. Чунки у ўзининг бутун ҳаёти, қилган ва қилиб улгуролмаган улуғ ишлари ҳамда ижоди билан мана шу улуғвор, афсонавор ёруғ айёмнинг келишини орзу қилди ва энг оғир шароитда, «қиймат-қойим» кунларда унга замин яратди.



## МУНДАРИЖА

Адоват эмас, адолат енгади . . . . .	3
Меҳнат қилган — элда азиз . . . . .	8
Яхши сўз — жон озиги . . . . .	22
«Ҳасад эмас, ҳавас қилиб яшанг!» . . . . .	26
Гумон имондан айирар . . . . .	28
Эл элга қўшилса — давлат. . . . .	35

---

Асил Рашидов  
ВОСПОМИНАНИЕ О БРАТЕ

*На узбекском языке*

Ташкент, «Фан»

*Ўзбекистон Республикаси ФА илмий-оммабоп адабиётлар таҳрир  
ҳайъати томонидан нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *С. Зокирова*  
Мусаввир *А. Саъонов*  
Техмуҳаррир *Л. Тюрина*  
Мусахҳиҳ *М. Яхяева*

ИБ № 6193

Теризга берилди 13.07.92. Босишга рухсат этилди 20.10.92. Қоғоз бичими 84×108<sup>1/32</sup>. Офсет қоғози № 1. Адабий гарнитурa. Юқори босма. Шартли босма т. 2,10. Ҳисоб-нашриёт т. 2,0. 50000 нуска (2-чи завод). Буюртма 158. Қелишилган нарх.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.  
ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси, Тошкент, 700170, акад. Ҳ. Абдуллаев шоҳ кўчаси, 79.